

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ 04/30.12.2019.Тиб.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУРАИМОВА ГУЛЗОДА АБДУВАЛИЕВНА

**ТУҒРУҚҚА ЁРДАМ БЕРИШ ТИЗИМИНИНГ ТИББИЙ- ИЖТИМОЙ
ЖИҲАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ПЕРИНАТАЛ ЁРДАМ
КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ИСТИҚБОЛИ**

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Абдураимова Гулзода Абдувалиевна

Туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини
оптималлаштириш ва перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш
истикболи..... 3

Абдураимова Гулзода Абдувалиевна

Оптимизация медико-организационных аспектов системы
родовспоможения как перспективы улучшения качества оказания
перинатальной помощи..... 23

Abduraimova Gulzoda Abduvalievna

Improvement of medical and organizational aspect of primary health
system and improvement of perinatal care..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ 04/30.12.2019.Тиб.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУРАИМОВА ГУЛЗОДА АБДУВАЛИЕВНА

**ТУҒРУҚҚА ЁРДАМ БЕРИШ ТИЗИМИНИНГ ТИББИЙ- ИЖТИМОЙ
ЖИҲАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ПЕРИНАТАЛ ЁРДАМ
КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ИСТИҚБОЛИ**

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib1005 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекбаулиева Гулистан Ниетбаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қаттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел.: (+99871) 262-33-14.).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел.: (+99871) 262-33-14.)

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Х.Хаитов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И.Ахмедова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир
марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда соғлиқни сақлаш ташкилотчисининг профилактика ишларининг муҳим бўлимларидан бири бу она ва бола саломатлигини ҳимоя қилишдир. Оналар ва болалар саломатлигини асраш ва яхшилаш тиббиётнинг энг муҳим вазифалардан биридир. Бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида ҳомиладорларга юқори сифатли тиббий ёрдамни ташкил қилиш туғруқнинг муваффақиятли яқунланиши, она ва боланинг кейинги саломатлиги, шунингдек оила мустаҳкам бўлишида муҳим таъсирга эга. ЖССТ маълумотларига кўра, «...перинатал ёрдам кўрсатиш тамойилларига мувофиқ ҳомиладорлик даврида тиббий ёрдам зоналарга бўлиниши ва ҳар қандай бемор учун зарур бўлганда мавжуд бўлиши керак...»¹. Ҳомилани соғлиғини перинатал даврда шаклланишини кузатиш, ҳомиладор аёллар соғлиғини мунтазам назорат қилиш борасида тиббий ёрдам кўрсатишнинг кўп босқичли тизимини ташкил этиш ёндашувларига риоя қилиш ва бирламчи бўғин шифокорларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш, репродуктив ёшдаги аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини оптималлаштириш ва перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш истиқболлини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ҳомиладор аёллар ва меҳнат қилаётган аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг инновацион ва замонавий ёндашувларини излаш, ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш босқичлари такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг назарий ва амалий билимлари ошириш, шулар жумласидандир. Бирламчи соғлиқни сақлаш бўғимида ҳомиладорлар орасида экстрагенитал касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини мунтазам амалга ошириш ҳамда перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, перинатал ва оналар ўлими кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини оптималлаштириш ва перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради.

¹ Ижобий ҳомиладорлик тажрибаси учун ЖССТ антенатал парвариш бўйича кўрсатмалар-ЖССТ, 2017 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон « Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисидаги » Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-6-сон «Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари ва перинатал ёрдам кўрсатишнинг тиббий-ижтимоий жиҳатларини алоҳида касалликлар бўйича таҳлил қилган (Henci G., Mayri S.L., Amy R., 2007). Аёллар саломатлиги сифатини сақлаган ҳолда туғиши, соғлом бола туғилиши вазифасини бажариши учун оптимал шароит яратиш замонавий соғлиқни сақлашнинг устувор вазифалари этиб белгиланган (Hondnett E.D., 2007; Xavier B., Marta R., 2013). ЖССТ экспертлари томонидан минг йилликни ривожлантириш мақсадларида оналар ўлимини $\frac{3}{4}$ қисмга камайтириш вазифаси киритилган (Филиппова Р.Д., Колесова О.М., 2016; Богомолова И.С., 2015), бунинг учун йилига оналар ўлими кўрсаткичларини 5,5%га камайтириш лозим (Оленев А.С., 2018), бундай натижага фақатгина айрим Европа ҳудудидаги мамлакатларда эришилган (Баранова И.И., Токова З.З., 2012). Тиббиёт фанининг ва соғлиқни сақлаш тизимининг ҳозирги ҳолати оналар ўлими даражасини фақатгина маълум даражага қисқартириш имкони берган, чунки ҳатто ривожланган давлатларда ҳам оналар ўлими тиббиётга боғлиқ бўлмаган омилларга боғлиқлиги баҳоланган (Сакевич В.И., 2016).

Охирги йилларда мамлакатимизда туғиш ёшидаги аёлларда турли хил генитал ва экстрагенитал касалликларни даволаш, туғиш ёшидаги аёлларда учрайдиган айрим касалликларнинг тиббий-ижтимоий жиҳатлари таҳлил қилинган, шунингдек, аёлларни репродуктив даврида хулқ-атворини аниқлашга алоҳида аҳамият берилган (Нажмутдинова Д.К., 2016; Аюпова Ф.М., 2017; Маматқулов Б.М., 2013; Бекбаулиева Г.Н., 2015). Ўзбекистонда оналар ўлимининг асосий сабаблари таркибида акушерлик қон кетиши биринчи ўринда туриши аниқланган. Иккинчидан тўртинчи ўринларни преэклампсия, септик касалликлар, экстрагенитал касалликлар (ЭГК)

эгаллаши қайд қилинган (Асадов Д.А., 2009; Акпербекова И.С., Джаббарова Ю.К., 2016). Ўзбекистон Республикаси суд-тиббиёт экспертизаси тиббий ёрдам кўрсатишда қуйидаги хатолар мавжудлигини, яъни тиббий ёрдамни ташкил этиш, қон маҳсулотларини етказиб бериш, нотўғри ташхис қўйиш, қорин бўшлиғига қон кетишида кеч ташхис қўйиш, даволаш-ташхисот стандартларига тўлиқ риоя этмаслик каби нуқсонларда ифодаланган (Юсупбаев Р.Б., 2016), бироқ, туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини оптималлаштириш ва перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш истиқболи такомиллаштирилмаган.

Шундай қилиб, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даврида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида репродуктив ёшдаги аёлларнинг экстрагенитал касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш, перинатал парваришнинг замонавий технологияларида амалга ошириш, антенатал парваришнинг мувофиқлигини ҳар томонлама баҳолаш, бунда бирламчи соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий-ташкилий жиҳатларини оптималлаштириш муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ва заруриятини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №011500217 «Ўзбекистон Республикаси турли аҳоли гуруҳлари орасида саломатлик кўрсаткичлари ва яшаш муҳитини яхшилаш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оналик парвариши тизимининг тиббий ва ташкилий жиҳатларини баҳолаш асосида анте ва перинатал парваришни замонавий технологиялар асосида оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент шаҳрида туғруқ ёшидаги аёллар тиббий-демографик кўрсаткичларини статистик таҳлилини баҳолаш;

анъанавий ва замонавий перинатал парваришнинг қиёсий характеристикасини аниқлаш, туғруқ комплексида перинатал парваришнинг замонавий тактикасини самарадорлик даражасини, ҳомиладор ва тиббиёт ходимларининг тиббий ёрдам сифати бўйича фикрларини баҳолаш;

ўрганилаётган ҳудудда ҳомиладор аёлларга кўрсатиладиган амбулатор ёрдам сифатидан қониқишини баҳолаш;

замонавий акушерлик ёрдамининг тиббий, клиник ва иқтисодий жиҳатларини баҳолаш;

антенатал ёрдамни оптималлаштиришга қаратилган ижтимоий гигиеник чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги № 8 шаҳар туғруқ комплексида назорат остига олинган асосий гуруҳда 2000-2002 йиллар анъанавий кузатувда бўлган ва 2014-2016 йиллар давомида эса замонавий технологиялар билан ёндашувда бўлганлар ҳомиладорларнинг туғруқ тарихлари ва назорат гуруҳини эса №30 оилавий поликлиникада рўйхатда

турган ҳомиладорлар ва Яшнабод туманидаги барча оилавий поликлиникаларнинг барча тоифадаги шифокор ва доялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида динамикадаги демографик кўрсаткичларнинг расмий статистик маълумотлари, таққосланган даврларда туғилиш тарихи, йиллик ҳисоботлар, туққан аёллар, ҳомиладорлар, шифокорлар ва дояларнинг ижтимоий фикри ва туғруқнинг ўзига хос талаблари ва унга мос келадиган сўровнома материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда нест, типологик, ижтимоий-гигиеник, ретроспектив, истиқболли таҳлил, анкеталаш, эксперт баҳолаш ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёлларни ҳомиладорлиги кечишини кузатиш ҳамда туғруқ жараёнида асоратларни олдини олишни баҳолаш антенатал ёрдам анкетаси асосида ҳомиладор аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аёлларнинг тиббий ёрдам сифатидан қониқиши, ушбу хизматдан норозиликни камайишига олиб келиши ички аудит ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туғруқдан кейинги даврда янги туғилган чақалоқни доимий она қарамоғида бўлишини таъминлаш, кўкрак сути билан эрта озиклантиришни бошлаш касалхона ичи инфекциясини камайтириш, чақалоқларда йирингли септик ва туққан аёлларда қайд қилинган гестация даври асоратларини кескин камайишига олиб келиши исботланган;

бачадон чандиғи билан туғруқни табиий йўл орқали олиб борилганда, бачадон бўшлиғини қўл билан тозалашга кўрсатма бўлганда, антибиотикни фақатгина бир марталик юқори микдорда қўллашга кўра кундалик антибиотикотерапия ўтказиш эҳтиёжини йўқотиш, узайтирилган таъсир этувчи антибиотик билан даволаш усулининг самарадорлиги исботланган;

кесарча кесишда косметик чок қўйиш, жароҳатни кундалик тозалаш ва чокларни олиш заруриятини мавжуд эмаслиги, эпизиотомияни қўллашни чеклаш орқали туғишдан кейинги даврда туғруқ комплексида бўлиш ўрин-кунлари муддатини қисқартириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оналар ўлими динамикасини туғилиш даражаси билан таққослаш натижасида оналар ўлимининг янада пасайиши тиббий ёрдам сифати ва перинатал даврда аёллар саломатлиги ҳолати билан боғлиқлиги асосланган;

ташкilotчилар ва шифокорларга ёрдам берадиган, анте-перинатал ёрдам сифатини комплекс баҳолашни амалга оширадиган беморларнинг қониқишини баҳолаш учун модификацияланган сўровноманинг самарадорлиги асосланган;

замонавий перинатал парваришlash технологиясининг элементлари билан ҳамкорликда оналар тайёрлаш дастуригалиги асосланган;

перинатал ёрдам сифатини ошириш учун СМС-хабарлар каби самаралироқ оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ҳомиладор аёлларга маълумот узатиш учун амбулатор хизмати веб-сайтини яратиш ва бошқаларни ўз ичига олган комплекс чора-тадбирларни самарадорлиги

асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи нест, типологик, ижтимоий-гигиеник, ретроспектив, истиқболли таҳлил, анкеталаш, эксперт баҳолаш ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини оптималлаштириш ва перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш истиқболлини такомиллаштириш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти антенатал парваришнинг тиббий ва ташкилий жиҳатларини оптималлаштириш, акушерлик ёрдамнинг янги технологиялари бемор билан муносабатлар учун илмий асосланган воситаларни ишлаб чиқиш, ҳомиладорлик ва туғиш даврида диагностика ва даволаш стандартлари ҳамда протоколларини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туғруққа ёрдам бериш тизимининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини оптималлаштириш ва перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, стационар шароитида даволаш-ташхисот стандартларини жорий этиш, антенатал ва перинатал хизматларнинг узлуксизлигини яхшиланганлиги ҳамда антенатал парвариш алгоритминини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси эксперт кенгашининг 2023 йилдаги 24 августдаги 01-08/022-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 5 сентябрдаги 08981-сонли хати юборилган):

биринчи илмий янгилик туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёлларни ҳомиладорлиги кечишини кузатиш ҳамда туғруқ жараёнида асоратларни олдини олишни баҳолаш антенатал ёрдам анкетаси асосида ҳомиладор аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аёлларнинг тиббий ёрдам сифатидан қониқиши, ушбу хизматдан норозиликни камайишига олиб келиши ички аудит ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланганлиги Тошкент шаҳридаги 9-сонли туғруқ комплекси бўйича 2023 йил 4 январдаги 4-сонли буйруқ билан, Тошкент шаҳридаги 57-сонли оилавий поликлиника бўйича 2022 йил 4 январдаги 1-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** туғруқ ёшидаги аёллар, ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврини назорат қилиш учун яратилган махсус анкета тиббий ёрдамни сифатига бўлган фикрларидаги билдирган камчиликларини ҳисобга олган ҳолда тиббий хизматни режалаштириш аёлларнинг тиббий ёрдам сифатидан қониқиши ошишига ҳамда аҳоли орасидаги норозиликни 1,5 бараварга камайишига олиб келади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: туғруқ ёшидаги аёллар, ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврини назорат қилиш учун яратилган махсус анкета тиббий ёрдамни сифатига бўлган фикрларидаги билдирган камчиликларини ҳисобга олган ҳолда тиббий хизматни режалаштириш аёлларнинг тиббий ёрдам сифатидан қониқиши ошишига ҳамда аҳоли орасидаги норозиликни 1,5 бараварга камайишига олиб келган, 58 нафар туққан аёлга 4756000 сўм ортикча сарф харажатларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса** туғруқ ёшидаги аёллар, ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврини назорат қилиш учун яратилган махсус анкета тиббий ёрдамни сифатига бўлган фикрларидаги билдирган камчиликларини ҳисобга олган ҳолда тиббий хизматни режалаштириш аёлларнинг тиббий ёрдам сифатидан қониқиши ошишига ҳамда аҳоли орасидаги норозиликни 1,5 бараварга камайишига олиб келиб, тавсия этилган даволаш тартиби асосида 1 нафар туққан аёлга туғруқхонада дори-дармон сарф харажати камайтириш орқали, бюджет маблағларидан 82000 сўм иқтисод қилган.

иккинчи илмий янгилик туғруқдан кейинги даврда янги туғилган чақалоқни доимий она қарамоғида бўлишини таъминлаш, кўкрак сути билан эрта озиқлантиришни бошлаш натижасида касалхона ичи инфекциясини камайтириш, чақалоқларда йирингли септик ва туққан аёлларда қайд қилинган гестация даври асоратларини кескин камайишига олиб келиши Тошкент шаҳридаги 57-сонли оилавий поликлиника бўйича 2022 йил 4 январдаги 1-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** туғруқга ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш чақалоқлар йирингли септик асоратлари камайиши натижасида соғлом ривожланиши ва туққан аёлларда ҳомиладорлик асоратларни камайишига эришилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: туғруқга ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш чақалоқлар йирингли септик асоратлари камайиши натижасида соғлом ривожланиши ва туққан аёлларда ҳомиладорлик асоратларни камайишига эришилади даволаш тартибида туғадиган аёлга 58 нафар туққан аёлга 4756000 сўм ортикча сарф харажатларини иқтисод қилишга эришилган, бир нафар туққан аёлга туғруқхонада дори-дармон сарф харажати камайтириш орқали, бюджет маблағларидан 82000 сўм иқтисод қилган. **Хулоса** туғруқга ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш чақалоқлар йирингли септик асоратлари камайиши натижасида соғлом ривожланиши ва туққан аёлларда ҳомиладорлик асоратларни камайишига эришилади, бир нафар туққан аёлга туғруқхонада дори-дармон сарф харажати камайтириш орқали, бюджет маблағларидан 82000 сўм иқтисод қилган.

учинчи илмий янгилик бачадон чандиғи билан туғруқни табиий йўл орқали олиб борилганда, бачадон бўшлиғини қўл билан тозалашга кўрсатма бўлганда, антибиотикни фақатгина бир марталик юқори дозада қўллашга кўра кундалик антибиотикотерапия ўтказиш эҳтиёжини йўқотиш, узайтирилган таъсир этувчи антибиотик билан даволаш усулининг самарадорлиги Тошкент шаҳридаги 9-сонли туғруқ комплекси бўйича 2023 йил 4 январдаги 4-сонли буйруқ билан,

Тошкент шаҳридаги 57-сонли оилавий поликлиника бўйича 2022 йил 4 январдаги 1-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: бачадон чандиғи орқали таббий йўл билан туғруқда бачадон бўшлиғини қўл билан тозаламаслик, кундалик антибиотикотерапия ўтказиш эҳтиёжини йўқотиш натижасида бачадон ичи инфекциялари ва септик асоратларни камайтириш орқали дори дормонлар захирасини ошириш, аёллар орасида дисбактериозни олдини олиш ва туққан аёлларда ҳомиладорлик асоратларни камайишига эришилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: бачадон чандиғи орқали таббий йўл билан туғруқда бачадон бўшлиғини қўл билан тозаламаслик, кундалик антибиотикотерапия ўтказиш эҳтиёжини йўқотиш натижасида бачадон ичи инфекциялари ва септик асоратларини камайтириш натижасида 58 нафар туққан аёлга 4756000 сўм ортиқча сарф харажатларини иқтисод қилишга эришилди, натижада давлат бюджетидан бир нафар туққан аёлга туғруқхонада дори-дармон сарф харажати камайтириш орқали, бюджет маблағларидан 82000 сўм иқтисод қилган. **Хулоса:** бир нафар туққан аёлга туғруқхонада дори-дармон сарф харажати камайтириш орқали, бюджет маблағларидан 82000 сўм иқтисод қилган.

тўртинчи илмий янгилик кесарча кесишда косметик чок қўйиш натижасида жароҳатни кундалик тозалаш ва чокларни олиш заруриятини мавжуд эмаслиги, эпизиотомияни қўллашни чеклаш орқали туғишдан кейинги даврда туғруқ комплексида бўлиш ўрин-кунлари муддатини қисқартириш Тошкент шаҳридаги 9-сонли туғруқ комплекси бўйича 2023 йил 4 январдаги 4-сонли буйруқ билан, Тошкент шаҳридаги 57-сонли оилавий поликлиника бўйича 2022 йил 4 январдаги 1-сон. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: кесарча кесишда косметик чок қўйиш, жароҳатни кундалик тозалаш ва чокларни олиш заруриятини мавжуд эмаслиги, эпизиотомияни қўллашни чеклаш орқали туғишдан кейинги даврда туғруқ комплексида бўлиш ўрин-кунларлари муддати қисқартиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: кесарча кесишда косметик чок қўйиш натижасида жароҳатни кундалик тозалаш ва чокларни олиш заруриятини мавжуд эмаслиги, эпизиотомияни қўллашни чеклаш орқали туғишдан кейинги даврда туғруқ комплексида бўлиш ўрин-кунлари муддатини 2,3 кунга қисқартириш исботланди туғруқхонада бўлиш вақтини 3 кунга қисқартириш оқибатида 58 нафар туққан аёлга 5705286 сўм, натижада давлат бюджетидан битта аёл учун туғруқхонадан чиқиш режалаштирилганлиги учун 98367 сўм иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** туғишдан кейинги даврда туғруқ комплексида бўлишига қаратилган ўрин-кунларнинг даражасини қисқартириш оқибатида бир кунлик ўрин кун учун бюджет маблағларидан 1 нафар туққан аёлга 98367 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дунёда репродуктив саломатликга замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. Адабиётлар шарҳи дунёда туғруққа ёрдам беришнинг замонавий тенденциялари, туғруқнинг анъанавий ва замонавий ёндашувлари, оналар ўлимини олдини олишга қаратилган чора тадбирларга, туғруқ давридаги асоратларни олдини олиш, унда амбулатор-поликлиника муассасаларида ишлаётган оилавий шифокорларнинг ўрнига бағишланган бўлиб, уларнинг таҳлили изланишларни давом эттириш зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини аниқлаш ва оптималлаштириш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган иштирокчиларнинг умумий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган материаллар ва тадқиқот усуллари ёритилган, шунингдек, фойдаланилган тадқиқот усуллари тўғрисидаги маълумотлар тавсифланган.

Тадқиқотлар уларнинг мантикий кетма-кетлиги ва ўзаро боғланишида босқичлар асосида олиб борилди. Бу мақсадга эришиш учун кўп қиррали социологик, тиббий-статистик ва тиббий-демографик тадқиқотлар ўтказилди. Ишнинг бошида қўйилган ҳар бир вазифа яхши белгиланган ечиш методикасига эга (1-расмга қаранг).

Тадқиқот уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳри демографик жараёнлар ҳолатини баҳолаш учун 2007-2017 йиллар даври учун уларнинг динамикаси таҳлили, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотлари ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институтининг расмий ҳужжатларидан нусха кўчириш асосида амалга оширилди. Олинган мутлоқ кўрсаткичлар кейинчалик кенг ва интенсив кўрсаткичларни ҳисоблаш учун ишлатилган.

Иккинчи босқичда 2000-2002 йилларда 8 – сонли ШТКда бўлган 1019 нафар аёл касаллик тарихи, яъни 2014-2016 йилларда анъанавий ва 1004 нафар касаллик тарихи пациент билан замонавий перинатал парвариш шароитида, шунингдек, ЖССТ томонидан тавсия тилган перинатал парваришнинг замонавий усуллари жорий этишни қаноатлантириш масалалари бўйича 200 нафар туғруқ давридаги аёлларда сўровнома ўтказилди.

Учинчи босқичда 1348 ҳомиладор аёлнинг туғруқдан кейинги даврда парвариш сифатидан қониқиш даражаси ЖССТ анкетасини мослаштириш асосида махсус ишлаб чиқилган анкета асосида, шунингдек акушер-гинеколог ва акушерлар учун сўровнома ёрдамида туғруқдан 2 кейинги парвариш сифати баҳоланди.



1-расм. Муаммоларни ҳал қилиш учун олиб борилган тадқиқотлар хусусиятлар

Туғруқдан кейинги парваришдан қониқиш натижалари 58 та саволдан иборат анкета ёрдамида баҳоланди. Ушбу тадқиқотда ишлатилган анкета ЖССТ анкетасидан олинган ва илгари бошқа мамлакатлардаги тадқиқотларда ишлатилган.

Диссертациянинг «Тошкент шаҳридаги демографик вазият мониторинги» деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳрининг демографик ҳолати таҳлил қилиниб, миллий маълумотлар билан солиштирилади ва 10 йил давомида ҳар томонлама баҳолаш амалга оширилади. Бу даврда Тошкент аҳолиси 2206,3 дан 2464,9 минг кишига кўпайди ($11,7 \pm 2,1\%$ га, яъни йилига ўртача $1,1\%$ га). Тошкент шаҳрида ҳам, алоҳида туманларда ҳам аҳолисини таҳлил қилинган даврда деярли

ўзгармай, $51,2 \pm 0,07\%$ ни ташкил этди.

Туғруқ ёшидаги аёллар сони тўғрисидаги статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрида ҳам, ҳар бир маъмурий бирликда ҳам туғиш ёшидаги аёллар сонининг кўпайиши кузатилмоқда. Демак, умуман олганда, Тошкентда бундай аёллар сони 2008 йилдаги 492512 дан 2017 йилда 641111 га кўпайган. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларнинг аёллар умумий сонига нисбатан қийматини (%) аниқлашда ўтган 7 йил мобайнида шаҳарда туғиш ёшидаги аёллар сони 1,2% га камайганлиги аниқланди.

Ўрганилган даврда Тошкент шаҳрида аҳолининг табиий ўсиши айрим тебранишлар билан характерланди. Демак, 2008 йилда бу кўрсаткич 11,5 ни ва 2009 йилда -12,8 ни ташкил этиб, бир оз ўсиш кузатилган бўлса, 2012 йилда 9,4 га камайган ва 2017 йилга келиб яна -11,0 ни ташкил этган (1-жадвалга қаранг). Умуман олганда, табиий ҳаракат туғилишнинг пасайиши, ўлим ва табиий ўсишнинг пасайиши билан характерланди.

1-жадвал

2008-2017 йилларда табиий ҳаракат динамикаси, 1000 нисбат


Аҳоли учун коэффициент	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Туғилиш даражаси	19,4	20,0	17,5	16,9	16,4	17,7	17,9	18,0	18,2	17,7
Ўлим даражаси	7,9	7,2	7,2	7,3	7,0	6,9	6,9	6,9	6,9	6,7
Табиий ўсиш	11,5	12,8	10,3	9,6	9,4	10,8	11,0	11,1	11,3	11,0

Кузатилган даврда (2008-2017 йиллар) Тошкент шаҳрида туғилганларнинг умумий сони атиги 7,3%га ошди. Туғилганлар сонининг кўпайиши, айниқса, 2014 йилдан бери сезиларли бўлди.

Туғилган болаларнинг умумий сонидан 99,1% дан 99,6% гача тирик ва 0,4 дан 0,9% гача ўлик туғилади. Сўнгги йилларда (2014 йилдан бери) ўлик туғилиш фоизи 0,9%дан паст бўлмаганлиги ташвишга солмоқда, гарчи 2008 йилда бу кўрсаткич янада яхшироқ (0,4%)бўлган.

Демографик жараёнларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бу оналар ўлимидир. Умуман, Тошкент шаҳри учун 2008-2017 йиллардаги бу кўрсаткич даражаси ва динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики (2-расм), ўрганиш даврида оналар ўлими даражаси 100000 тирик туғилганларга нисбатан 14,1 (2008 й.) дан 18,5 (2017) гача бўлган. 10 йилда 100000 тирик туғилган болаларга нисбатан ўртача 21,7 кўрсаткични ташкил қилган. Кўрсаткичнинг тўлқинсимон динамикаси кузатилди: агар 2008 йилда оналар ўлими даражаси ҳар 100000 тирик туғилган болаларга нисбатан 14,1 ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 100000 тирик туғилишга нисбатан 36,1 га ошган, кейинчалик эса унинг даражасида бир оз пасайиши ва 2017 йилда 2009 йилдаги даражага нисбатан 1,7 бараваркам бўлган. 2020 гача кани Бироқ, Тошкент шаҳрида оналар ўлими даражасим иллий даражага нисбатан анча асосли хавотир уйғотмоқда. Шундай қилиб, 2008 йилда унинг даражаси миллий даражада нисбатан 34,1% паст бўлса, 2009 йилда

унинг даражаси 19,9% юкори бўлиб, 2014 йилда 34,5% га чўккига етди, фақат 2012 ва 2013 йилда унинг даражаси мос равишда 18,2% ва 10,3% га камайди, 2015 йилдан бошлаб, унинг даражаси яна 17,3% миллий кўрсаткич ошади, 2016 йилда 9,6% ва 2017 йилда 4,5%, 2018 йилда 35,5%, 2019 йилда 18,4%, 2020 йилда 4,5% (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида (2008-2020 йй.) оналар ўлими динамикаси

Оналар ўлими динамикасини туғилиш даражаси билан таққослаш, шунингдек, жуфт корреляция коэффициентини ҳисоблаш бу кўрсаткичлар динамикаси деярли бир-бирига тўғри келмаслигини кўрсатади, бу эса туғилиш даражаси билан оналар ўлими даражаси ўртасидаги кучсиз боғлиқликни кўрсатади. Бу эса оналар ўлимининг янада камайиши перинатал даврда тиббий ёрдам сифати билан кўпроқ боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Шифокор ва беморлар назаридан самарали перинатал ёрдам дастурини самарадорлигини ижтимоий қирралари**» деб номланган тўртинчи бобда тадқиқ этиш ва баҳолаш бобда шифокор ва беморларнинг перинатал ёрдамга бўлган таҳлил натижаларини тақдим этилган.

Сўровномада қатнашган туғаётган аёллар орасида 64% шаҳар, 36% қишлоқдан бўлиб, иккала гуруҳда ҳам ўрта ва махсус ўрта маълумотли аёллар ва уй бекалари устунлик қилади.

Аёллар нуктаи назаридан замонавий перинатал парвариш тактикасини баҳолаш шунингдек, кўпинча аёллар шерикликдаги туғишга салбий муносабатда бўлишган (59-65%). Респондентлар эски усуллар клизмали тозалаш, оғриқ қолдирувчи воситаларни қўллаш, ўтирган жойида стулда туғиш, она ва янги туғилган чақалоқни ажратиш каби кўплаб ижобий томонлари борлигига ишонишган. Ҳатто туғишнинг замонавий усулини ёқтирган аёлларнинг 62-64% стулда ётган ҳолатда туғиш яхшироқ эканини, 21-30%ида эса спазмолитиклар ва оғриқ қолдирувчи воситалардан

фойдаланишлари қайд этилган.

Шундай қилиб, аёлларнинг қарийб 90% туғишни бошқаришнинг янги ёндашувларини жорий этиш даражасини ижобий баҳоладилар. Тадқиқотда иштирок этган аёлларнинг ижтимоий қониқиш коэффиценти 0,9 га тенг, яъни бу коэффицент анча юқори деб тахмин қилишимизга имкон беради. Бирок, аёлларнинг қарийб 20% берилган саволларга тўғри жавоб бера олмадилар, бу эса аёллар ўртасида, хусусан, туғиш пайтида ва туғруқдан кейин дарҳол хулқ-атвор масалаларида хабардорлик йўқлигидан далолат беради.

8-сонли ШТК тиббиёт ходимлари орасида туғишни бошқариш бўйича ЖССТ тавсияларига муносабатининг тўғрисида ўтказилган сўровнома таҳлилишуни кўрсатдики, шифокорларнинг 55% туғишнинг 1-даврида ва 79% туғишнинг 2-даврида туғаётган аёллар ўзлари танлаган позиция энг яхши, деб ҳисоблашган.

Шифокорлар томонидан ўтказилган сўров акушер-гинеколог шифокорларининг тактикаси бўйича ЖССТ тавсияларини амалиётга жорий этиш жараёнида бир нечта муҳим масалаларни таъкидлаб ўтишга имкон беради: 100% самарали перинатал ёрдамни (СПЁ) қўллашларига қарамай, амалий фаолиятда ҳали ҳам унинг мезонлари 100%га бажарилмаяпти, хусусан, туғадиган аёлларнинг хоҳиш-истакларига нисбатан, шериклар етказиб бериш; 86% сўровда иштирок этган шифокорларнинг туғадиган аёллари туғиш учун етарлича тайёр эмаслигига ҳисоблашади, 31% респондентларнинг фикрича, туғиш жараёнида аёлнинг фаолияти масаласида шифокорларнинг яқдиллиги йўқ, чунки ҳар бир нарсада туғадиган аёл шифокорни тинглаши керак.

Перинатал даврни ўтказиш учун янги методологик ёндашувларни жорий этишдан олдин ва кейин уларни таққослашда туғруқ хоналар фаолиятининг кўрсаткичларининг статистик хусусиятлари янада объектив ҳисобланади.

Анъанавий акушерлик ёрдамининг объектив баҳоси шуни кўрсатдики, 83% ҳолларда туғиш окситоцин ёрдамида амалга оширилган, янги шароитда аёлларнинг атиги 2%да бу муолажага туғиш даврида зарурат пайдо бўлган, амниотомия эса туғилгандан 20 баробар камроқ бажарилган.

Тадқиқотнинг биринчи даврида аёлларнинг 15% акушерлик патологияси, шу жумладан енгил (11,0%) ёки оғир (1,6%) преэклампсия, гипертония (1,7%) кузатилган.

Бачадон чандиғи билан туғруқни табиий йўл орқали олиб борилганда, бачадон бўшлиғини қўл билан тозалаш замонавий тиббиётнинг даволаш стандартларига киритилмаганлигига қарамасдан айрим ҳолатларда ушбу тартиб амалга оширилади. Бачадон бўшлиғини қўл билан тозалаш амалга оширилмаганда эса антибиотикларни қабул қилиш зарурлиги инкор қилинади. Антибиотик қабул қилиш давомийлигини қисқартирилиши пациентларда асоратларни олдини олишга асос бўлиши яна бир мартаоба ўз исботини топди.

Иккинчи тадқиқот даврида акушерлик патологиялари сони 3 баробар,

шу жумладан енгил презеклампися - 7 баробар камайди. Бошқа турдаги акушерлик патологияларининг учраш даражаси жиддий ўзгаришларга дуч келмаган.

Анъанавий акушерлик даврида, туғилишнинг биринчи босқичидаги аёлларнинг 86%га у ёки бу дори-дармонлар буюрилган бўлиб, уларнинг рўйхати 14 турдан иборат бўлган. Самарали перинатал ёрдам пайтида дорилар фақат беморларнинг 4,0%да ишлатилган ва уларнинг рўйхати 5 та доридан иборат бўлган.



3-расм. Туғруқхонада аёлларнинг бўлиш ва сарфланган дори-дармонларнинг қиймати (бир нафар бемор ҳисобига)

Бу беморларда самарали перинатал ёрдамдан фойдаланиш пациентларда туғишнинг 1 даврини сезиларли даражада ошганига эътиборни қаратади. Шундай қилиб, 48% туғаетган аёлларда 8 соатгача, 30% да 10 соатгача ва 20% да - 10-13 соат.

Шу билан бирга, туғруқдан кейинги аёлларда асептик асоратларнинг даражаси 2%га камайганини ва ҳатто самарали перинатал ёрдам технологияси жорий қилинганидан кейин туғруқдан кейинги эндометрит ва мастит ҳолатлари йўқлигини қайд этиш лозим.

Перинатал парваришнинг асосий кўрсаткичларидан бири янги туғилган чақалоқларнинг саломатлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ўрганилган материалларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, самарали перинатал ёрдам даврида янги туғилган чақалоқларда асоратлар сони 7,5 баробар камайди. соғлом деб баҳоланган болалар 87%га ошди, яъни 174 марта. Шу билан бирга, енгил асфиксия ҳолатида янги туғилган чақалоқлар сони 7 баробар, ўртача асфиксия 18 баробар, оғир асфиксия қайд этилмаган.

Самарали перинатал ёрдам даврида перинатал ўлим даражаси 3 баробар камайди.

Туғруқ ва туғилган чақалоқларни чиқариш вақти анча ўзгарди: агар 2000-2002 йилларда туғруқдан 71% 7 кундан кейин чиқарилган бўлса, 2014-

2016 йилларда ҳомиладор аёлларнинг 70% туғруқдан 3-4 кун ўтгач чиқарилган; 7-кун чиқарилганлар сони 4 баробар камайди.

Шундай қилиб, янги технологияларни жорий этиш муҳим клиник ва ижтимоий самарадорликка эга. Бироқ туғруқ жараёнида бир қатор муаммоли масалалар мавжудлигини ҳисобга олиб, ЖССТ томонидан тавсия этилган принципларни мутлақлаштириш эмас, балки маҳаллий хотин-қизларнинг менталитети ва бу тамойиллардан индивидуал фойдаланиш истакларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим.

Замонавий акушерлик технологиясидаги бундай ижобий ўзгаришларни ҳисобга олиб, демографик кўрсаткичларни янада такомиллаштириш йўллари топиш мақсадида ҳомиладораёлларнинг уларга кўрсатилаётган туғруқдан кейинги ғамхўрликдан мамнунлигини ўрганиб чиқдик.

Диссертациянинг «**Аёлларга антенатал хизмат кўрсатиш сифатини таҳлили**» номли бешинчи бобида ҳомиладор аёллар ва тиббиёт ходимлари нуқтаи назаридан парвариш сифатини ўрганиш натижалари келтирилган. Тиббий ёрдам сифати, одатда, тиббиёт фанининг замонавий даражасига мос келадиган соғлиқни сақлаш стандартларини ҳисобга олган ҳолда, беморларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилиятини акс эттирувчи тиббий ёрдам хусусиятларининг мажмуи сифатида тушунилади. Шу муносабат билан демографик кўрсаткичларни янада такомиллаштириш йўллари топиш мақсадида ҳомиладор аёлларнинг туғруқдан олдинги парваришидан қониқишларини ўрганиб чиқдик.

Туғруқдан кейинги парвариш ёрдами ишининг сифат кўрсаткичларидан бири ҳомиладор аёлларни «Д»ҳисобида (12 ҳафтагача) олиб боришдир. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, барча респондентларнинг фақат ярми 12 ҳафтагача «Д»ҳисобига олинган. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларнинг 7,0% 30 ҳафтадан кўпроқ вақт давомида рўйхатга олинганлиги, бу эса фаол ҳомийлик патронажи ва ҳомиладор аёлларни эрта аниқлаш бўйича амбулатор хизматининг заифлашини кўрсатмоқда.

Патронаж хизматининг заифлашиш, шунингдек, респондентларнинг $\frac{2}{3}$ дан кўпроғи ўзлари шифокорга мурожаат қилгани ва ҳомиладор аёлларнинг фақат $\frac{1}{3}$ қисми уй патронажи ҳисобидан рўйхатдан ўтганлиги билан тасдиқланган.

Беморларнинг соғлиқни сақлаш хизматидан қониқиши сифатни таъминлаш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, пациентларнинг фикр – мулоҳазалари соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатишни яхшилаши мумкин. Бироқ, биз ўрганган ҳомиладор аёлларнинг аксарияти туғруқдан олдинги парваришдан норози. Респондентларнинг норозилигининг сабабларини билиш учун туғруқдан кейинги парваришлаш хизматининг ташкилий ишидаги нуқсонларни ўрганиб чиқдик.

Шундай қилиб, сўровда қатнашган аёлларнинг 66% туғруқдан олдинги ташрифлар сонидан (7 марта) мамнун эмас ва уларнинг аксарияти (89,1±1,04%) ташрифлар даржасини ошириш керак, деб ҳисоблайдилар.

Ҳомиладор аёлларнинг ташриф буюриш даражаси ошириш истагини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёлларнинг шифокор ташрифини

